



## ЯНГИ ТУРДАГИ ГИЁХВАНД МОДДАЛАР ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ибрагимов Аброр Алимович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси катта  
ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15322190>

### ARTICLE INFO

Received: 18th April 2025

Accepted: 20<sup>th</sup> April 2025

Published: 30<sup>th</sup> April 2025

### KEYWORDS

Гиёхвандлик воситаси, психотроп модда, психофаол наркотик моддалар, Гиёхвандлик, препарат, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланиши, дори воситалари, синтетик каннабиноид аралашмалари, дезоморфин, лирика, трамадол.

### ABSTRACT

Мақолада гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар ноқонуний айланишининг тарихий даврлари, бу борадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи халқаро ва миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, янгидан-янги психофаол моддалар пайдо бўлиб, кенг тарқалаётган шароитда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари олдида бу йўналишдаги ҳуқуқбузарликларга қарши кураш борасида юзага келаётган муаммолар таҳлил қилинган.

Хозирги кунда гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдида турган энг долзарб вазифалардан биридир.<sup>1</sup> Чунки, гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларининг ноқонуний муомалада бўлиши оқибатида жамиятда даволаб бўлмайдиган юқумли касалликлар тарқалиши, инсон генофонди ўзгариши, хуфиёна иқтисодиёт авж олиши ва булар криминоген вазиятга салбий таъсир кўрсатиши барчага маълум.<sup>2</sup> Ахолининг соғлиғини сақлаш ва мустахкамлаш жамият ҳаётининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.<sup>3</sup> Бу борада мамлакатимизда етарли даражада норматив-ҳуқуқий база яратилган.<sup>4</sup> Соғлиқни сақлаш тизими бевосита сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маданий, илмий, тиббий ҳамда санитария-гигиена каби

<sup>1</sup> Орипов, Темурмалик. 2023. «ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДА ФУҚАРОЛАР ИШТИРОКИНИНГ АҲАМИЯТИ». *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук* 3 (6):225-29. <https://in-academy.uz/index.php/EJLFAS/article/view/18296>.

<sup>2</sup> Угроза религиозного экстремизма и терроризма

Х Якубов, Х Рахмонжонов - Общество и инновации, 2022 - inlibrary.uz

<sup>3</sup> Файзуллаев, Д. О. (2024). ЁШЛАР ОРАСИДА ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ДАВЛАТИМИЗНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАСИДИР!. *Центральноазиатский журнал междисциплинарных исследований и исследований в области управления*, 1(1), 117-123.

<sup>4</sup> Файзуллаев, Д. (2024). ЁШЛАР ТОМОНИДАН АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ВА ПСИХОТРОП МОДДАЛАРНИ НОҚОНУНИЙ ЎТКАЗИШ ЖИНОЯТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ ТУШУНЧАЛАРИ!. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 4(1), 171-177.

Йўналишлардаги комплекс чора-тадбирларни қамраб олган муҳим соҳалардан бири бўлиб, ички ишлар органлари бу тизимнинг самарали ишлашини таъминловчи давлат органларидан бири ҳисобланади.

Гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний савдоси узоқ тарихга эга бўлиб, ҳозирги кунда янги психофаол наркотик воситаларнинг пайдо бўлиши ва истеъмол қилиниши кўпайиб бораётгани сабабли унга қарши курашни такомиллаштириб бориш алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, «...наркотик моддалар ишлаб чиқариш ва улар билан савдо қилишдек жиноий бизнес яратиб берадиган жуда катта бойлик орттириш имкониятлари унинг иштирокчиларини халқаро ҳуқуқ нормалари билан ҳам, миллий қонунлар мажмуи билан ҳам, айниқса, «оқ ажал»нинг халокатли оқибатлари билан ҳам ҳисоблашмай, ҳамма ишни қилишга мажбур этмоқда...»<sup>1</sup>.

Жамият учун хавfli офатлардан бири ҳисобланган гиёҳвандлик муаммоси сўнгги йилларда нафақат Республикамиз, балки бутун дунё жамоатчилигини ҳам ташвишга солмоқда. Гиёҳвандлик инсон соғлиғининг кушандаси, қанчадан-қанча инсонларнинг умрига зомин бўлаётган иллатдир.<sup>5</sup> Сурункали гиёҳвандликка чалинганларнинг аксарияти 30 ёшгача ҳам умр кўрмайди. Ундан ташқари, гиёҳвандлик ОИТС, вирусли гепатит ва бошқа хавfli касалликлар билан боғлиқ равишда илдиз отади. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг маълумотларига қараганда, бугун дунёда 210 миллиондан ортиқ гиёҳвандлар (*ер юзи аҳолисининг 3 фоизи*) қайд этилган бўлиб, ҳозир ёшлар орасида гиёҳвандларнинг муайян қатлами шаклланимоқда; ҳар йили ёшлар ўртасидаги гиёҳвандлар сони 15-20 фоизга кўпайиб бормоқда; давлатимизда рўйхатга олинган гиёҳвандларнинг учдан икки қисмини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этиб, уларнинг ўртача ёши 18-25 дадир<sup>2</sup>. Гиёҳвандликнинг жадаллик билан кенг тарқалишига сабаб шундаки, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни истеъмол қилиш натижасида инсон организмида ушбу восита ва моддаларга нисбатан истеъмол дозасини кўпайтиришни талаб қиладиган тобелик вужудга келади. Ушбу турдаги жиноятларнинг ижтимоий хавfliлик даражаси ошиб бораётгани ва аҳоли саломатлигини химоя қилишнинг муҳимлиги мазкур жиноятларнинг таркиби, сабаблари, шароитлари ва оқибатларини батафсил таҳлил қилишни тақозо этмоқда.

Гиёҳвандликнинг жаҳонда қабул қилинган номи – «наркомания» сўзи юнон тилидан таржима қилинганда «*нарке*» – қотиб қолиш, «*маніа*» – кучли хис-туйғу, майл, ҳавас маъноларини ифодалаб, наркотик воситаларга тобеликни билдиради. Гиёҳвандлик тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бу захри қотил 600 йил илгари қўлланилиб, унинг ухлатиш ва оғриқ қол-дириш хусусияти милоддан аввалги 2000 йиллардаёқ маълум бўлган.<sup>6</sup> XX аср бошларида эса дунёнинг қатор давлатларида аҳоли ўртасида наркомания касаллиги пайдо бўлиб<sup>7</sup> дунёда, хусусан минтақамизда гиёҳвандлик билан боғлиқ кескин вазият юзага

<sup>5</sup> BASICS OF A QUICK EXPERIMENT CONDUCTING OPERATIONAL SEARCH EVENTS

ҲК Sheribboevich - International Journal Of Law And Criminology, 2024 - inlibrary.uz

<sup>6</sup> К ВОПРОСУ О ПОНЯТИИ ЭКСТРЕМИЗМА

МА Маликов, МКУ Холходжаев - Eurasian Journal of Law, Finance ..., 2024 - cyberleninka.ru

<sup>7</sup> Текшириш учун харид қилиш ва назорат остида олиш тадбирларининг тушунчаси ва аҳамияти  
ТЭ Машарипов - Евразийский журнал права, финансов и прикладных ..., 2024

келишида<sup>8</sup> Афғонистоннинг хиссаси катта. Наркотахдиднинг ўчоғига айланган<sup>9</sup> Афғонистонда вужудга келган сиёсий- иқтисодий ва ижтимоий вазият нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиё минтақаси, хаттоки Россия, Европа ва бошқа мамлакатларда ҳам юзага келаётган нарकोхолатга таъсир кўрсатиб келмоқда. Афғонистон наркотикларининг транзити нафақат Марказий Осиё минтақаси ёки Ўзбекистон учун, балки унинг асосий истеъмолчилари бўлган Европа давлатлари учун ҳам хозирги куннинг катта муаммосига айланган. Халқаро экспертларнинг хулосаларига кўра, 2016 йилда Афғонистонда опий ишлаб чиқарилиши 43 фоизга ошган бўлса, Ўзбекистон Республикаси билан чегарадош Афғонистоннинг шимолий худудларида тўрт барабар кўпайиб, 278 тоннага етди<sup>3</sup>. Ўзбекистон Республикаси бир қанча халқаро конвенцияларга қўшилган.

БМТ томонидан қабул қилинган 1935 йилги Наркотик воситалар билан ноқонуний савдо қилишни тақиқлаш тўғрисидаги Женева конвенцияси, 1961 йилги Наркотик моддалар тўғрисидаги ягона конвенция, 1971 йилги Психотроп моддалар тўғрисидаги, 1988 йилги Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш тўғрисидаги конвенциялар ана шулар жумласидандир. Республика даражасида наркотик воситаларга қарши кураш сиёсати ижтимоий муносабатларни қонун ҳужжатлари билан тартибга солиш шаклида амалга оширилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги «Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги қонуни,<sup>10</sup> Наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат комиссиясининг 2016 йил 17 июндаги 01-14/47-17-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган «Наркотик моддаларнинг суистеъмол қилиниши ва ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича 2016–2020 йилларга мўлжалланган давлат дастури, ушбу комиссиянинг 2015 йил 12 ноябрдаги «Гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида»ги 330-сонли ҳамда «Қонунга хилоф равишда муомалада бўлган гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги (2016 йил 22 март) 13/16-сонли қарорлари ана шулар жумласидандир. Ўзбекистон Республикасида гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар (бундан кейин – «наркотик воситалар») билан муомала қилиш (муомалага чиқариш) тартиби «Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 август кундаги қонуни билан тартибга солинган.

Ушбу қонунда Гиёхвандлик воситаларининг қонуний муомалада бўлиши (олиб кириш, олиб чиқиш, транзит тарзида ўтказиш, сақлаш, бериш, тарқатиш, тақсимлаш, олиш, ташиш, жўнатиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, улардан фойдаланиш ва уларни йўқ қилиш, шунингдек таркибида наркотик

<sup>8</sup> ЁШЛАР ОРАСИДА ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

ТЭ Машарипов, СР Ишниёзова Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences 4 (5), 107-113

<sup>9</sup> Файзуллаев, Д (2024) КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА. РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ. *Central asian journal of multidisciplinary research and management studies*4(1), 120-125.

<sup>10</sup> Файзуллаев, Д. (2024). ЁШЛАР ОРАСИДА ЭКСТРЕМИЗМ ВА РАДИКАЛИЗМНИ ТАРҚАЛИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ КУЧАЙТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ!. *Евразийский журнал академических исследований*, 4(1 Part 2), 97-103.

модда бўлган ўсимлик-ларни етиштириш) тартиби белгиланган. Наркотик воситалар билан ноқонуний муомала қилиш жамиятимиз хавфсизлигига, инсонларнинг саломатлигига жиддий хавф туғдириши хаммага маълум. Шу боис ушбу қилмишлар учун жавобгарлик амалдаги Жиноят кодексининг Махсус қисмида белгиланиб, унда гиёхвандлик воситаси деганда БМТнинг 1961 йилги гиёхвандлик воситалари тўғрисидаги Ягона конвенциясининг I ва II рўйхатларига киритилган, табиий (*ўсимликлардан табиий усулда олинган*) ёки сунъий усулда (*махсус лаборатория шароитида*) тайёрланган хар қандай гиёхвандлик воситаси тушунилиши назарда тутилган<sup>11</sup>.

Психотроп модда деганда эса БМТнинг «Психотроп моддалар ҳақида»ги 1971 йилги Конвенциясининг I, II, III ва IV рўйхатларига киритилган хар қандай табиий ёки синтетик модда ёхуд хар қандай табиий материал тушунилиши белгиланган. Психофаол модда – инсон марказий нерв тизими фаолиятига таъсир кўрсатувчи, психик ва айрим ҳолларда ақлий фаолият ўзгаришларига олиб келувчи модда (ёки аралашма)<sup>4</sup>. Айни пайтда, кундан-кунга психофаол моддаларнинг янги турлари пайдо бўлаётгани натижасида бу каби моддаларнинг таркибини, фармакологик ҳамда кимёвий хусусиятини аниқлаш билан боғлиқ муаммолар борлиги сабабли, уларнинг муомалада бўлишини назоратга олиш, чеклаш ёки тақиқлашда айрим қийинчиликлар юзага келмоқда. Бу каби моддаларга синтетик каннабиноид аралашмалари, дезоморфин ва таркибида психофаол моддалар бўлган дори воситалари ҳисобланувчи лирика, трамадол, липре ва бошқалар киради.

Жумладан, синтетик каннабиноид чекиш аралашмаси (гиёхвандлар орасида «спайс», «микс», «легалка» деб ҳам номланади) янги синтетик психофаол модда бўлиб, таркибида сунъий тетрагидроканнабинол моддаси мавжуд. Мазкур психофаол модда синтез йўли билан олиниб, асосан оқ ёки кўкимтир рангда бўлиши, инсон организмига таъсири «марихуана»никига ўхшаш бўлсада, нархи нисбатан арзонлиги сабабли аҳоли, айниқса ёшлар орасида оммалашиб бормоқда.<sup>12</sup> Аралашмалар таркибида JWH-018, HU- 210, CP-47 ва бошқа турдаги синтетик каннабиноидлар, рухий фаолликни кўзғатувчи хусусиятга эга ўсимликларнинг қисмлари, шунингдек балласт кимёвий воситалар мавжуд. Бундай чекиш воситаларини ишлаб чиқарувчилар асосан Жануби-шарқий Осиё давлатлари ва Хитой ҳисобланади.

Чекиш аралашмаларининг истеъмоли наркотик воситаларнинг бошқа турлари, масалан, героин, марихуана, амфетаминлар истеъмолидаги каби рухий ва жисмоний қарамликни вужудга келтиради. Аралашмаларни давомий истеъмол қилиш натижасида марказий асаб тизимининг хасталаниши, психозлар, ўз жонига қасд қилиш ўй-хаёллари билан боғлиқ депрессив, яъни тушкун кайфият ривожланиши, ички аъзолар фаолиятининг бузилиши, бевосита хаёт учун хавфли ҳолатлар (*доза миқдорини ошириб юбориш, захарланиш*)га олиб келади. Саломатлик билан боғлиқ асоратлардан ташқари, аралашмаларнинг истеъмоли ижтимоий

<sup>11</sup> Сўров тезкор-кидирув тадбирини ўтказишда унинг тактик хусусиятлари  
ААҰ Атоев - Eurasian Journal of Technology and Innovation, 2024 - cyberleninka.ru

<sup>12</sup> SOME ASPECTS OF THE LEGAL REGULATION OF THE CONDUCT OF OPERATIONAL-SEARCH MEASURES BY THE INTERNAL AFFAIRS BODIES

RR Nishonkhujjevich - INNUC, 2023 - innuc.uz

фаровонликка ҳам хавф туғдиради.

Бундай шахслар оилада, ўқиш ва иш жойларида муаммоларга дуч келиши кузатилган. Чекиш воситалари таркибидаги синтетик каннабиноид моддалар БМТнинг 1961 йилдаги Гиёхвандлик воситалари ҳақидаги ягона конвенцияси ва 1971 йилдаги Психотроп моддалар ҳақидаги конвенциясида қайд этилган халқаро назоратдаги моддалар рўйхатига киритилмаганлиги унга қарши курашиш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Дунёнинг кўплаб давлатлари (Буюк Британия, Франция, Германия, Австрия, Россия, Норвегия, Финляндия, Япония ва бошқалар)да қатор синтетик наркотик воситалар тақиқланган ва бундай моддаларни муомалага чиқариш билан боғлиқ ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Наркотик моддаларни назорат қилиш давлат комиссиясининг 2015 йил 12 ноябрь куни тасдиқланган 330-сонли қарорига асосан ноқонуний сақланиши ва ўтказилиши тақиқланган наркотик воситалар ва психотроп моддалар рўйхатига синтез йўли билан тайёрланган наркотик моддаларнинг 80 тури киритилиб, ҳозирда республикамиз ҳудудида бу каби психофаол наркотикларнинг муомалада бўлиши ноқонуний деб топилган.

Лекин, наркотик воситаларнинг янги турларини ишлаб чиқиш жараёни тез суръатлар билан ривожланиб, ишлаб чиқарувчиларнинг қонун ҳужжатларида кўрсатилмаган, яъни тақиқланган моддалар рўйхатига киритилмаган воситаларни ишлаб чиқариш жараёнида уларнинг кимёвий таркибини доимий ўзгартиришлари, буни ҳуқуқ-тартибот идоралари аниқлаб, уларнинг айланиши ўрнатилган тартибда чеклангунига қадар жиноий гуруҳлар томонидан катта даромад олишлари ва минглаб одамларнинг умрига завола бўлиши кузатилмоқда. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, рўйхатга киритилмаган синтетик наркотик моддалар билан боғлиқ ҳолатлар аниқланган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 251<sup>1</sup>-моддаси («Кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш») диспозициясида назарда тутилган жиноят аломатлари билан квалификация қилиш амалиёти мавжуд. Шу билан бирга, янги психофаол моддаларга «дезоморфин» («крокодил») ҳам киритилган. Унинг таркибида кодеин мавжуд бўлган препаратлар, [бензин, йод, маиший аралашмалар (масалан, *растворитель*), фосфорлар] мавжуд бўлиб, металлсозликда ишлатиладиган бундай кучли захарли моддалар тез орада (бир неча ойда) ўлим келтириб чиқариши билан хавфлидир. Ушбу наркотик воситага «крокодил» деб ном берилишининг сабаби уни инъекция орқали қабул қилган инсон терисида турли яралар, уларнинг емирилиши натижасида пайдо бўладиган йиринг туфайли терининг шикастланган жойи тимсох терисига ўхшаб қолиши билан боғлиқ. Ушбу наркотик восита илк бор 2000 йилда пайдо бўлиб, 2005 йилдан гиёхвандлар орасида оммалашиб кетган. «Крокодил» наркотик воситасини икки мартаба истеъмол қилишнинг ўзи унга қарамлик келиб чиқиши учун етарли бўлади. Мазкур психофаол модда хавфлилик даражаси бўйича героиндан кейинги иккинчи ўринда бўлиб, уни истеъмол қилиш оқибатида ўлимга олиб келуви яра ва емирилишлар пайдо бўлади. Шунингдек, наркотикларни истеъмол қилувчиларнинг айрим тиббий препаратларни нотиббий мақсадда истеъмол қилишга ўтиши кузатилиб, таркибида психофаол моддалар бўлган дори воситалари ҳисобланувчи «трамадол», «лирика», «липре» ҳамда кимёвий таркиби бўйича ўхшаш бошқа дори-дармонларнинг ноқонуний савдоси билан боғлиқ ҳолатлар аниқланмоқда. Бу каби янги психофаол

моддаларни тарқатишда замонавий ахборот технологияларидан, хусусан, Интернет тармоғидаги реклама ва савдо-сотик имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Наркотик воситалар ва психотроп моддаларни Интернет тармоғидан фойдаланиб тарқатишга қарши курашишда самарадорликка эришиш мақсадида телекоммуникация тармоқларида ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш ва тезкор ходимларнинг бу борадаги билим ва амалий кўникмаларини ривожлантириш талаб этилади. Юқоридагиларга асосланиб айтиш мумкинки, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши барча даврларда долзарблигини йўқотмайдиган муаммолардан бири бўлиб қолди. Шу сабабли, унга қарши курашиш самарадорлигини ошириш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар бу жараёнда фойдаланадиган восита ва усулларни такомиллаштириб бориши талаб этилади. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ноқонуний тарқалишининг олдини олиш, бу каби ҳуқуқбузарликларни содир этаётган шахсларни аниқлаш, уларнинг фаолиятига чек қўйиш ҳамда вояга етмаганлар ва ёшлар бу йўлга кирмасликлари учун тегишли давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда зарур тезкор-профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш, бу жараёнда замонавий ахборот-технологияларидан фойдаланиш ва аҳоли орасида тарғибот ишларини кучайтириш орқали унинг оғир оқибатлари ҳақидаги маълумотларни кенг жамоатчиликка етказиш ишларини амалга ошириш лозим.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-Т.,2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси-Т.,2023.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси-Т.,2023.
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси-Т.,2023.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни-Т.,2012.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонуни-Т.,1999.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни-Т.,2000.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни-Т.,2018.
- 9.Файзуллаев, Д. О. (2024). Ёшлар орасида жиноятчиликка қарши курашиш давлатимизнинг долзарб вазифасидир!. *Центральноазиатский журнал междисциплинарных исследований и исследований в области управления*, 1(1), 117-123
- 10.Қаёқаров, М.А. Маликов, МКУ Холходжаев - Eurasian Journal of Law, Finance ..., 2024 - cyberleninka.ru
- 11.Some aspects of the legal regulation of the conduct of operational-search measures by the internal affairs bodies.RR Nishonkhujayevich - INNUC, 2023 - innuc.uz
- 12.Угроза религиозного экстремизма и терроризма.Х Якубов, Х Рахмонжонов - Общество и инновации, 2022 - inlibrary.uz
- 13.Basics of a quick experiment conducting operational search events YK Sheribboevich - International Journal Of Law And Criminology, 2024 - inlibrary.uz

- 14.Текшириш учун харид килиш ва назорат остида олиш тадбирларининг тушунчаси ва аҳамияти.ТЭ Машарипов - Евразийский журнал права, финансов и прикладных ..., 2024
- 15.Файзуллаев, Д (2024) Кибержиноятчиликнинг келиб чиқиши ва ривожланиши тарихи. *Central asian journal of multidisciplinary research and management studies*4(1), 120-125
- 16.Ёшлар орасида экстремизмга қарши иммунитетни шакллантириш/ТЭ Машарипов, СР Ишниёзова *Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences* 4 (5), 107-113
- 17.Файзуллаев, Д. (2024). Ёшлар томонидан ахборот технологияларидан фойдаланиб гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ноқонуний ўтказиш жиноятларининг назарий тушунчалари!. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 4(1), 171-177.
- 18.Орипов , Темурмалик. 2023. «Хуқуқбузарликлар профилактикасида фуқаролар иштирокининг аҳамияти». *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук* 3 (6):225-29. <https://in-academy.uz/index.php/EJLFAS/article/view/18296>
- 19.Файзуллаев, Д. (2024). Ёшлар орасида экстремизм ва радикализмни тарқалишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни кучайтиришнинг ўзига хос хусусиятлари!. *Евразийский журнал академических исследований*, 4(1 Part 2), 97-103.
- 20.Сўров тезкор-қидирув тадбирини ўтказишда унинг тактик хусусиятлари.А.А. Атоев - *Eurasian Journal of Technology and Innovation*, 2024 - [cyberleninka.ru](http://cyberleninka.ru).
21. КИССАВУРЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ФОШ ЭТИШДА ТЕЗКОР – ҚИДИРУВ ТАДБИРЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИТекст научной статьи по специальности «Науки о Земле и смежные экологические науки»Жамшид Нуриддин Ўғли Низомиддинов
22. Отақулов , Н. . (2023). НОҚОНУНИЙ МИГРАЦИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ. *Евразийский журнал академических исследований*, 3(9), 202–206. извлечено от <https://in-academy.uz/index.php/ejar/article/view/20968>.
23. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ НАТИЖАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ. КН Убайдуллаев *Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences* 4 (4), 62-70
24. THEORETICAL AND LEGAL ANALYSIS OF THE CONDITIONS OF CONDUCTING FAST SEARCH EVENTS КА Mukhtorovich - *International Journal Of Law And Criminology*, 2024 - [inlibrary.uz](http://inlibrary.uz).
- 25.Исомиддинов, С. (2024). “Фирибгарликнинг виктимологик профилактикасини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари” Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Journal home page: <https://inscience.uz/index.php/socinov/index> Б.185-192.
26. Насритдинов А (2025) Даствлабки терговда жиноятларнинг олдини олиш вазифасининг моҳияти ва аҳамияти - MODERN EDUCATION AND DEVELOPMENT file:///F:/maqola/смартга/ссилка%20.pdf Б 225-240
- 27.Матёзов Ш. Теоретические и практические аспекты взаимодействия оперативных подразделений органов внутренних дел в предупреждении и раскрытии преступлений, связанных с выращиванием запрещенных культур //Общество и инновации. – 2022. – Т. 3. – №. 9/S. – С. 47-56.